O'zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
QORAKO'L TUMANI
HOKIMI
QARORI

Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

«9» январ 2020 йил Qorako`l tumani № 9

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги "Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 306-сонли қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Қоракўл туман филиали томонидан аҳоли(истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Қоракўл туман филиали (Б.Қўчқоров)га:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги иш юритиш бўлинмаси (Д.Мирадизов) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни "Қоракўл садоси" газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

4. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат "Қоракўл садоси" газетасида эълон қилинган кундан уч ой ўтгач кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Жумаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ҳ.Ғойиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI QORAKO'L TUMANI HOKIMLIGI DEVONXONA

Туман хокимининг
2020 йил 9 июлдаги
_____сонли қарорига
ИЛОВА

Бухоро вилоят "Сувоқава"давлат унитар корхонаси Қоракул туман филиали томонидан туман худудидаги ахоли (истемолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви хизмати учун тўловлар тарифлари

№	Худуд номи	Муддати	Миқдори (тн)	Худудлар буйича ҚҚСсиз ўртача тариф			Сув олиш нуктасидан ахоли пунктигача бўлган ўртача масофа(км)	Жами сўмда-тн/км
				сўм/литр	сўм/тн	Сўм/тн-км		
1	Зиёрат	Хар куни	5	15	998	14 966	15	74 830,50
2	Маллашейх	Хар 3 кунда	10	15	998	14 966	17	169 615,80
3	Човли	Хар 3 кунда	5	15	998	14 966	20	99 774,00
4	Куввача	кун аро	10	15	998	14 966	12	119 728,80
5	Дарғали	кун аро	10	15	998	14 966	8	79 819,20
6	Жиғачи	кун аро	10	15	998	14 966	10	99 774,00
7	Янгибозор	кун аро	5	15	998	14 966	10	49 887,00
8	Полвонлар	Хар куни	5	15	998	14 966	18	89 796,60
12	Кора хожи	кун аро	5	15	998	14 966	18	89 796,60
10	Сайёт	кун аро	5	15	998	14 966	20	99 774,00
11	Қоракўл	Хар куни	5	15	998	14 966	15	74 830,50
12	Қоракўл шахри	кун аро	5	15	998	14 966	8	39 909,60

Бухоро вилоят "Сувоқава" ДУК
Қоракўл туман филиали бошлиғи : Б.Кўчқоров